

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ДАРС-МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

*Шарипов Акмал Исмоилович*

*Сурхондарё вилояти Сарйосиё тумани  
82-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф бошланғич синф дарсларида ўйин технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида сўз юритган. Мақолада дарс жараёни, ўқув ўйинларини ташкил қилиш ва фойдаланиш, педагогик ва тадбиркорлик ўйинлари, ўйинлар ўқувчининг мулоқотга киришиши ва фикрлашларини шакллантиришдаги муҳим омиллардан бири эканлиги ҳақида фикрларини билдирган.

**Калит сўзлар:** Дарс. Ўйин технологияси. Педагогик ўйин. Тадбиркорлик ўйинлари.

Асримиз техника асри. Техника ривожланиб бораётган ҳозирги кунларда барча соҳаларда янгиланишлар, ривожланишлар кузатилмоқда. Мамлакатимизда таълим сифати ва дарс самарадорлигини ошириш муҳим, шунингдек, долзарб вазифалардандир. Маълумки, янгиланган таълим тизимини жорий этиш ҳамда бугунги кескин вазиятда таълим самарадорлигини оширишда ҳар бир тарбиячи, педагог ва ходимларнинг ўз соҳасига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид касбий маҳоратни ошириш ва уларни педагогик фаолиятда изчил қўллаш билиш маҳоратига эга бўлиши бугунги куннинг муҳим талабига айланди. Мазкур талаблар асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ҳамда бошланғич синф ўқитувчилари педагог ва ходимларни касбий–педагогик тайёргарлиги ва уларнинг сифат даражасини тубдан ошириш унинг мазмунини замонавий талаблар асосида бойитиш ва уларни педагогик амалиёт жараёнларига кенг татбиқ этиш имкониятлари илгари сурилмоқда.

Шунга кўра фаолиятни асосини ташкил этувчи ўйин фаолияти дарс-машғулотларни самарадорлиги ошириш имконини беради, давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўйин технологисини машғулотларга олиб кериш бир қатор афзалликларга эга.

Ўйин технологияси – таълим жараёнидаги таълим олувчининг фаоллиги, дидактиканинг асосий принципларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Таълим олувчининг фаоллиги, мақсадли йўналтирилган бошқарувчи педагогик таъсирлар ва педагогик муҳитнинг ташкил этилиши натижасидир. Таълим олувчиларнинг фаоллигини таъминловчи, ўқитиш технологияларидан бири – педагогик ўйин ҳисобланади. Ўйин фаолиятига қизиқиш, таълим

олувчиларнинг ўз-ўзини ифода этиш, рўёбга чиқариш каби эҳтиёжларини қондирувчи, мусобақалашини элементлари орқали таъминланади.

Ўйиннинг ажойиб хусусияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам ривожланиш, ҳам ўрганиш ҳисобланади.

Педагогик ўйин, ўқитишнинг аниқ қўйилган мақсади ва унга тегишли педагогик натижа билан белгиланади. Бу натижалар асосланган ва ўқув тайёргарлик фаолиятига эга бўлади.

Педагогик ўйинлар ўйин услубига кўра қуйидагича тавсифланади: сюжетли, ишбилармонлик, ролли, имитацион, драмалаштирилган ўйинлар.

Ҳозирги пайтда таълим ва тарбия воситаси сифатида кўпгина педагогларнинг эътиборини ўзига тортиб бораётган бу ўйинлар ҳам педагог, ҳам таълим оловчида катта қизиқиш уйғотмоқда, чунки ҳамма ҳам ўйинга қизиқади, бу эса ўйин жараёнида назарий билим ва амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга ва ривожлантиришга, таълим оловчилар фикрлаш қобилиятини ўстиришга, жамоани уйғунлаштиришга ва шахсий фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Таълим бериш нуқтаи-назаридан ўйин билим, кўникма ва малакалар билан бир қаторда жамоа бўлиб масалаларни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги билимларни, турли хилдаги топшириқларни ечиш йўллари кидириш жараёнида ўзаро мулоқот қилиш шакллари ва усуллари шакллантиради. Ўйин иш ўрнини мустақил режалаштириш, ишлаб чиқариш технологик меъёрларини муваффақиятли бажариш кўникмаларини, ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг илғор усуллари ўрганишни ҳам шакллантиради.

Тарбиялаш нуқтаи-назаридан эса ўйин ҳамроҳлар фикрини ҳурмат қилиш, уни ишда қўллаб-қувватлашга интилиш, ўзининг ўқув-билиш имкониятларига ишонч каби шахсий фазилатларни шакллантиради.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Л.С. Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади. Улар қуйидагилар:

- ❖ мафтункорлик;

- ❖ коммуникативлик;
- ❖ ўз имкониятларини амалга ошириш;
- ❖ даволовчилик;
- ❖ ташхис;
- ❖ миллатлараро мулоқот;
- ❖ ижтимоийлашув.

Мақтабгача таълим ва мақтаб амалиётида тадбиркорлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади.

Тадбиркорлик ўйинларини машҳур психологлар Л.С. Вигодский, А.Н. Леонтьев, П.Я. Гальперин ва бошқаларнинг ишларида назарий асосланган.

Тадбиркорлик ўйинлари ўз характериға кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг амалдаги воситаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида ХХ асрнинг 20-йилларида гуркираб ривожланди. Тадбиркорлик ўйинларига тақлидий (имитацион) ўйинлар билишнинг воситаси сифатида асос бўлди. Тақлидий ўйинларға ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинлар асос бўлган.

Тадбиркорлик ўйини ижтимоий-педагогик тизим сифатида қуйидаги тайёргарлик босқичларига эға: Буни қўйидаги схема асосида кўриш мумкин.

### Тадбиркорлик ўйинларининг технологик схемаси

Тайёргарлик босқичи	Ўйинни ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• сценарий яратиш</li> <li>• тадбиркорлик ўйини режаси</li> <li>• ўйиннинг умумий тавсифи</li> <li>• йўл-йўриқлар мазмуни</li> <li>• моддий таъминот тайёргарлиги</li> </ul>
	Ўйинға киришиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• муаммо, мақсадни аниқлаб олиш</li> <li>• шартлари, йўл-йўриқлар бериш</li> <li>• регламент, қоидалар</li> <li>• ролларға тақсим қилиш</li> <li>• гуруҳни шакллантириш</li> <li>• маслаҳат (консультация).</li> </ul>
Ўтказиш босқичи	Вазифани гуруҳ бўлиб ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• манбалар бўйича ишлаш</li> <li>• тренинг</li> <li>• «фикрлаш ҳужуми»</li> <li>• ўйин техникаси устида ишлаш</li> </ul>
	Гуруҳлараро мунозара	<ul style="list-style-type: none"> <li>• гуруҳларнинг чиқишлари (фикрлари)</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>● натижани ҳимоя қилиш</li> <li>● мунозара қويدаси</li> <li>● экспертлар иши</li> </ul>
--	--	--

Таҳлил ва умумлаштириш босқичи	<ul style="list-style-type: none"> <li>● ўйинни тўхтатиш</li> <li>● таҳлил, рефлексия</li> <li>● ўйинни баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш</li> <li>● хулосалар ва умумлаштиришлар</li> <li>● тавсиялар</li> </ul>
-----------------------------------	---

Тадбиркорлик ўйинларининг бир неча модификациялари мавжуд:

Имитацион ўйинлар. Бундай ўйинлардан мақсад қайсидир ташкилот, муассаса ва унинг қисмлари фаолияти андоза қилинади. Воқеалар, кишиларнинг бирор фаолияти (иш битириш мажлислари, режани муҳокама қилиш, суҳбатлар ўтказиш ва б;), фаолият ҳолати ва шартлари андоза қилиб олиниши мумкин.

Сценарийда бундай ўйнаш тўла тuzилмаси ёзиб чиқилган ва имитация қилинадиган объектлар ва жараёнлар белгиланади.

Операцион (воқеий) ўйинлар. Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос воқеа-ҳодисанинг бажарилиши машқ қилинади. Операцион ўйинлар иш жараёнига хос моделлаштирилади.

Роль ижро этиш ўйинлари. Унда конкрет шахснинг хулқи, ҳатти-ҳаракати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиш тактикаси машқ қилинади.

Тадбиркорлик театри. Бунда қандайдир вазият ва ундаги кишининг хулқи ўйналади. Бу ўйиннинг асосий вазифаси турли ҳолатларда мўлжални тўғри баҳолай олишни ўргатиш, ўзининг хулқига тўғри баҳо бериш, бошқа кишиларнинг имкониятларини баҳолай олиш, улар билан мулоқот ўрната олишга ўргатишдир.

Психодрама ва социодрама. Бу ҳам ўзига хос «театр», лекин ижтимоий психологик мақсадни кўзлайди: Унинг асосий мақсади жамоада вазиятни ҳис қила олиш, бошқа кишининг ҳолатини ўзгартириш ва унга баҳо бериш, у билан самарали мулоқотга кириша олишни шакллантириш ҳисобланади.

Фикримиз сўнггида таъкидлаш жоизки, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўйин технолгиясидан таълим жараёнида фойдаланиш ҳали болалик беғуборлиги сақланиб қолган болаларда ижодий фикрлаш, ижобий сифатлар ҳамда борликни тез англаш, мақсадни аниқ белгилаш уни амалга ошириш сифатларини ривожлантиради. Демакки, ўқитувчи ўз дарсини маҳорат билан ўтиши, ўқувчи ёшларни маънан етук шахс қилиб тарбияламоғи муҳимдир.

Бугунги кун ўқитувчиси касбий компетентликка эга бўлган, ўз устида ишлайдиган, янгиликлар сари дадил кадам ташлайдиган, ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларни маҳорат дарслари орқали шакллантира оладиган бўлиши керак.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т., 2006
2. Беспалько В.П. Слагаемке педагогических технологий-М., 1997
3. Кларин М.В. Педагогическая технология-М., 1989
4. Самоунина Н.В. Организационные обучающие игры в образовании-М.: Народное образование, 1996
5. Мамадалиева М. “Мактабгача таълим ва бошланғич синф дарс-машғулотларида ўйин технологияларини қўллашнинг педагогик асослари”. Республика конференция материалларию СурхондарёВХТХҚТМОҲМ., 2020 йил май